

---

## ЖОНКУЯР ВА МЕҲРИБОН УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзларнинг нури, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматқаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди. 1 октябрь - «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан Фурқат туманидаги «Амирхон» тантаналар саройида “Доим таъзимдамиз, азиз устозлар” деб номланган тадбир кечаси ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов барча иштирокчилар тимсолида туманда таълим соҳасида меҳнат қилаётган ходимларни байрам билан табриклади:- Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, устозларимизни, барча юртдошларимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий муборакбод этаман. Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шундай қувончли кунда барча шогирдларингиз, бутун туман аҳли номидан сизларга юксак ҳурмат-эҳтиромимиз, эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз. Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Доимо фарзандларингиз, шогирдларингиз, элу юртимиз ҳурмати ва ардоғида бўлиш бахти насиб этсин, азиз устозлар!

Туман Халқ таълими бўлими мудир Муҳаммаджон Ортиқов ҳам байрам тадбири иштирокчиларини байрам билан қутлаб, келгуси фаолиятларида омад ва зафарлар ёр бўлишини тилади. Тадбирда туман таълим тизимида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларга туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалар тантанали топширилди.

Санъаткорлар томонидан намоиш этилган концерт дастури иштирокчиларга хуш кайфият бағишлади. Куй-қўшиқлар рақсларга уланиб, иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

### Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ















2021-10-04 09:38:30